Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 213 (5504)
18 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• ЮБИЛЕЙ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-йигирув ишлаб чиқаришида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Фабриканинг пешқадам коллективлари, шу жумладан тараш цехининг коллективи умуммуваффақиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Тараш машиналарининг операторлари ўтган ойда зарбдор суръат билан меҳнат қилишди. Ишлаб чиқариш илғорлари А. Хожиметова, З. Габдулина план топшириқларини камида 105—110 процентга етказиб адо этишяпти. Ишга кечикиб келиш ва ишчиларнинг қўнимсизлигига барҳам берилганлиги туфайли ана шундай муваффақиятга эришилмоқда. Натижада цех ойлик планни 108,1 процент бажариб, мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Лента ростлаш цехининг смена мастери Е. Долматов бошлиқ коллектив ҳам яхши меҳнат қилди. Ушбу коллектив сменалар ўртасидаги социалистик мусобақанинг ғолиби бўлди. Коллектив ишлаб чиқарган ярим фабрикат маҳсулот аъло сифат билан қабул қилинди. Бригадалар ўртасидаги беллашувда бу сафар Р. Очилов бошлиқ бригада ғолиб чиқди. Бу бригада топшириқни 126,4 процентга бажарди.

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

• *Ташаббус қулоч ёймоқда*

ТЕРИМ ПАЛЛАСИ— ЕТУКЛИККА ИМТИҲОН

Бугун 125-мактабда кўтаринки кайфият руҳи ҳукмрон. 9-синф ўқувчилари гоҳ бир жойга тўпланишади, гоҳ тарқалишади, коридорларда йиғилиб суҳбатлашишади — шаҳардаги бешта мактаб юқори синф ўқувчиларининг ташаббуси қизғин муҳокама этилмоқда.

Болалар кеча ўз тенгдошлари пахта термига боришга қарор қилганликларини эшитишгач, тўққизинчи «В» да ўзўзидан, ҳеч ким эълон қилмаса ҳам комсомол йиғилиши бошланиб кетди. Бу ерда протокол тузилмади, рамс сайланмади, лекин энг муҳим нарса пахтакорлар сафига туриш истаги бор эди.

— Биз бешинчи меҳнат семестри пайтида Янгийўл районидаги Темирязевка посёлкасида ишлаб меҳнат қила олишимизни исботладик,— дейди мактаб комсомол ташкилоти секретари Венера Гафарова.—Помидорлар ва шафтолилар етиштирилиши, меваларни ва сабзавотлар магазинлар пештахталарида бўлиши учун қанчалик меҳнат сарфланишига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Ўзинг далада ишласанг пахтакорларга ёрдам ҳозир қанчалик мутахимлигини аниқ ҳис этасан киши. Терим даври ҳар биримиз учун ўзига хос етуклик имтиҳони бўлади.

— Колхозчилар мўл ҳосил етиштиришди, — дея ўртоқларига мурожаат этишди Ларисса Спильник, Лена Поштарук, Герман Самарцев, —бизнинг бурчимиз унинг сўнгги чаноғигача териб олишда ёрдам кўрсатишдан иборат.

— Уқувчиларимиз меҳнатдан қочишмайди,— дея суҳбатга қўшилди мактаб директори Ольга Кирилловна Ряснянская. Уларнинг ўзлари мактаб участкасидаги дарахтларнинг парвариш қилишади, синфларни ораста қилиб қўйишади, ошхонада навбатчилик қилишади, юқори синф ўқувчилари синфларни ремонт қилишда қатнашишади.

Болалар саккизинчи синфдаёқ ўз олдиларига савол қўйишди: ким бўлсам экан! Қирқ уч ўқувчи ишчи мутахассислигини танлашга аҳд қилди. Ҳунар-техника билим юртларига ўқишга кирди. Йигирма киши техникумларга кирди. Мактабда қолганлар ҳам касб танлашади. Тўққизинчи синф ўқувчилари ўқув ишлаб чиқариш комбинатида шуғулланишяпти. Айрим қизлар тикувчи-моористкалик, чеварликни ўрганишга аҳд қилишган бўлса, бошқалари сотувчи бўлишмоқчи. Венера Гафарова эса тўқимачилик касбини ўрганишга аҳд қилган.

— Биз бу йил ишлаб чиқариш бригадаси тузиш ниятидамиз,— суҳбатни давом эттирди О. К. Ряснянская. —Болалар корхоналарга экскурсант сифатида боришгани бошқа-ю, уларга коллективда маълум бир ишни нишониб топшириш бошқа.

... Бугун ҳаяжонли кун бўлди. Барча тўққизинчи синф ўқувчилари дарсдан кейин комсомол йиғилишига тўпланишади. «Бутун синф бизнинг — пахта даласига», — Болаларнинг аҳди шундай.

— Биз ишонамизки,— дейди В. Гафарова, — оммавий терим кампаниясининг бошланишини бизни шошириб қўймайди. Оналаримизни ҳам хотиржам бўлишга ундаймиз. Бизга катталар бажарадиган масъулиятли ишни ишонишар экан, биз уни уддалаймиз.

Қийинчиликлардан асло кўрқмаймиз.

Н. КОРЧАГИНА.

ФЕСТИВАЛЬ ДЎСТЛИКНИ ШАРАФЛАЙМОҚДА

«Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ фестивали Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кезмоқда.

Ҳамза номли Самарқанд ёзги театри саҳнасида Озарбайжоннинг хизмат кўрсатган давлат ашула ва рақс ансамбли концертлари икки кун давом этди.

«Тошкентнинг олтин кузи» фестивалининг куй ва қўшиқлари республика пойтахтида ҳамон янграмоқда. Г. Г. Верёвка номли хизмат кўрсатган давлат академик Украина халқ хори Тошкент авиасозлари ҳузурида концерт берди. Тошкент консерваторияси залида СССР халқ артисти Евгений Райковнинг концерти бўлди. В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Римбоева ва «Арай» вокал чолғу ансамблининг концертлари давом этмоқда. **(ЎзТАГ).**

Ўртоқ Виктор Васильевич ГРИШИНГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби бўлган Сизни етмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Азиз Виктор Васильевич, Сизга сидқидилдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда партиямиз ва совет халқи бахт-саодати йўлида самарали ишлашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ЎРТОҚ В. В. ГРИШИНГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «УРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Виктор Васильевич Гришин Ленин ордени ҳамда иккинчи «Уроқ ва Болға» Олтин медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль,
1984 йил, 17 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив иштирок этганлиги учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан **Ўзбекистон Ёзувчилар союзи** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 17 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Ҳ. Н. НАЗИРОВ (ҲАКИМ НАЗИР)ГА «ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив иштироки учун ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан ёзувчи ўртоқ Ҳаким Назирович **Назиров** (Ҳаким Назир)га **«Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси»** фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 17 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ташкил этилган кунининг 50 йиллиги муносабати билан ёзувчи ўртоқ Нормурод **Нарзуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

Республика ёзувчиларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия ва касаба союз органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари ўртоқ Виктор Петрович **Кузьминни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистоннинг барча адибларини шонли байрам — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллиги билан қизғин ва самимий табриклайди.

Республика ёзувчилар ташкилоти ўзининг ярим асрлик юбилейини совет халқи, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг улуғвор режаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг кўрсатмалари ва тавсияларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган, шонли юбилей — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини меҳнатдаги янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилаётган муҳим тарихий даврда нишонлаётганлиги жуда муҳим воқеадир.

Ярим аср илгари ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги, СССР ва барча қардош республикалар Ёзувчилар союзларининг улкан ёрдами туфайли шонли ижодий йўлни босиб ўтди ва кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлиб, социалистик ва коммунистик қурилишнинг бадиий йилномасини яратиш ишига, янги совет кишисини тарбиялаш ва социалистик турмуш тарзини қарор топтириш ишига муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Республикадаги бадиий сўз усталари ўтган 50 йил мобайнида яратган энг яхши асарлар миллион-миллион китобхонларнинг чуқур эътиборига сазовор бўлди ва ҳақли равишда социалистик маънавий маданият олтин фондидан ўрин олди.

Совет Ўзбекистонининг адиблари 50 йил ичида кўп иш қилдилар, аммо улар янада кўпроқ иш қилишлари керак. Улар тематикаси, жанрлари, услуби жиҳатидан ранг-баранг, ғоявий-бадиий хусусиятлари жиҳатидан юксак бўлган, партия ленинча миллий сиёсатининг тантанасини, СССР халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдамини, ажойиб совет воқелигини чуқур ва ёрқин очиб берадиган асарлар яратишлари керак. Қардошларча ўзаро алоқаларни доим мустаҳкамлаш ва миллий маданиятларни ўзаро бойитиб бориш — ёзувчиларнинг шарафли ишидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бундан буён ҳам социалистик реализм адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини янада баланд кўтариш, бизга ёт бўлган буржуа идеологиясига қарши қатъий кураш олиб бориш, меҳнаткашларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда адабиётнинг ролини тинмай ошириб бориш, адибларни, хусусан ижодкор ёшларни тарбиялаш ва уларнинг профессионал маҳоратини юксалтириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиши лозим.

Республикада адабий танқид адабиётни янада ривожлантиришда катта роль ўйнайди. У бадиий ижодга таъсир ўтказишнинг асосий методи бўлиб партия йўлини актив амалга оширишни, яратиладиган асарларга ўз вақтида чуқур ва принципиал баҳо бериши, чинакам талантли, новаторлик руҳидаги ишларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватлаши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талабларига мувофиқ бадиий сўзнинг бутун куч-қудрати билан экономика ва социал ҳаёт тараққиётидаги салбий ҳодисаларни тезроқ йўқотишга, республикада энг яхши маънавий-психологик муҳитни вужудга келтиришга ҳар томонлама ёрдам бериш — адибларнинг бевосита бурчидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг барча ижодкор зиёлилари каби Ўзбекистон адиблари ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ўзларининг бутун куч, билим, ғайрат-шижоатини, бутун қалб ҳароратини жонажон партияга, халққа хизмат қилиш, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш ишига бағишлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ КОНСТАНТИН УСТИНОВИЧ ЧЕРНЕНКОГА

Биз, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг Бутуниттифоқ ва республика ёзувчилар ташкилотларининг 50 йиллигига бағишланган тантанали пленуми қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча адиблари номидан қизғин салом йўллаймиз ва бизнинг тўғримизда, совет халқини маънавий жиҳатдан мутасил ўстириш ҳақида, унинг кўп миллатли улуғ социалистик маданиятини яшнатиш тўғрисида оталарча тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога ва муҳтарам Константин Устинович, шахсан Сизга самимий ташаккур ва миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Бизнинг пленумимиз Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда партиянинг XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган буюк социал-иқтисодий программани амалга ошириш соҳасида зўр сиёсий кўтаринкилик ва ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган, республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилаётган муҳим бир пайтда ўтмоқда. Республика адиблари ҳам ака шу умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

50 йил муқаддам ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи адибларининг тарқоқ группаларини бирлаштирди. Ҳозирги вақтда унинг сафларида партия ишига фидокорона содиқ бўлган, халқ тақдири билан, унинг орзу-тилаклари, порлоқ идеаллари билан чамбарчас боғланган санъаткорлардан қарийб 600 киши бор.

Биз бундан буён ҳам ўз ёзувчилар ташкилотимизни мустаҳкамлаб, ғоявий бирлик ва жанговарликни бутун чоралар билан ошираверамиз, бизнинг орамизда юксак ижодий активлик, ўзаро талабчанлик ва ўз ижодимиз учун масъулиятни ҳис этиш вазифани қарор топтиришга сабот-матонат билан эришаверамиз.

Ўзбек совет адабиёти Коммунистик партиянинг, СССР халқлари интернационализми, ленинча дўстлигининг самарасидир. Унда қардош адабиётлар ва аввало, рус адабиётининг ўзаро боғланиши жараёнларининг олижаноб таъсири остида адабий ижоднинг қадимги прогрессив анъаналари ва ҳозирги ютуқлари бирга қўшилиб кетди. Ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиёти хазинасига ҳиссасини қўшмоқда. Биз ўз ижодий ташкилотимизнинг 50 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, ютуқларимиз билан фахрланамиз, аммо шу билан бирга камчиликларни ҳам эсдан чиқармаймиз, бизнинг олдимизда партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ва кейинги Пленумлари илгари сурган катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бутун куч-ғайрат ва талантимизни партиянинг ҳаётбахш ролини ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак даражада ёрқин кўрсатиб берадиган, ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларни ва зиёлиларни улуғлайдиган, СССР халқларининг коммунистик бунёдкорлиги, интернационализми ва дўстлиги пафосини ёритадиган янги асарлар яратишга бағишлаш, совет турмуш тарзини қарор топтириш, коммунизм қурувчиларининг олижаноб интилишлари ва маънавий дунёсини куйлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Биз ўз ижодимизда халқчиллик, партиявийлик принципларини қаттиқ туриб изчиллик билан ҳимоя қилиб келдик, ҳимоя қилаверамиз ва ривожлантираверамиз, СССР ёзувчиларининг биринчи съездида эълон қилинган социалистик реализмнинг тўғри ва синалган методига амал қилаверамиз, халқ учун ижод қиламиз, халқ манфаатлари билан яшаймиз, ҳамиша меҳнаткашлар оммаси ўртасида бўлиб, меҳнат коллективлари билан алоқаларни мустаҳкамлаймиз, ислоҳот тадбирлари тақозо этган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишда мактабга доим ёрдам бераверамиз.

Ҳозирги кунда ёзувчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган салбий ҳодисаларга қарши курашни янада кучайтиришни, яхши маънавий-психологик вазиятни мустаҳкамлашга актив ёрдам беришни ҳам ўзларининг муҳим бурчи деб биладилар.

Халқаро вазият кескинлашган, империализм қуролланиш пойгасини авж олдириб, инсониятни бутун жаҳон миқёсида ядро фалокати гирдобига туширишдан иборат телбаларча сиёсатни ўтказаётган ҳозирги шароитда биз, адабиёт арбоблари ўзимизнинг юксак масъулият ва гражданлик бурчимизни жуда яхши англаймиз. Синфий ёндашиш, пролетар интернационализми байроғини янада баланд кўтариш, ғоявий эътиқод ва талантимизнинг бутун куч-қудратини ишга солиб, манфур буржуа идеологиясига, Ғарб пропагандасига қарши, милитаризмнинг вахшиёна кирдикорларига қарши кураш олиб бориб, тараққийпарвар барча кучларнинг, яхши ниятдаги барча кишиларнинг ер юзида тинчлик иши учун олиб бораётган олижаноб курашида уларни жипслаштиришга актив ёрдам бериш бизнинг гражданлик бурчимиздир. Республика ёзувчилари кўп миллатли бутун совет адабиёти вакиллари билан бир қаторда бундан буён ҳам ҳозирги замонда энг муътабар ва энг таъсирчан адабий оқим бўлмиш Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг фаолиятида актив қатнашаверадилар.

Биз жонажон партиямизни, ленинчи Марказий Комитетни, Сиёсий бюрони, муҳтарам Константин Устинович, Сизни ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон ёзувчилари ҳамиша марксча-ленинча ғояларни садоқат билан амалга ошириб келдилар ва бундан буён ҳам худди шундай амалга ошираверадилар. Коммунистик партия ва совет халқининг иши учун, коммунизм тантанаси учун тинмай курашиб келдилар ва бундан буён ҳам курашаверадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ ТАНТАНАЛИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Партия билан, халқ билан мангу биргамиз

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи 50 ёшга тўлди. Бу шонли сана бутун мамлакат ёзувчилар союзининг ярим асрлик юбилейи билан бир вақтга тўғри келади.

Улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький бутун мамлакат ёзувчилар союзининг сарчашмасида турган эди. Унинг ёзувчи ишчилар синфининг, барча меҳнаткашлар халоскори бўлган синфнинг, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш гарови бўлган синфнинг жангчиси, деб таърифлаган сўзлари ҳар бир сўз устаси китобхонлар билан қайси тилда сўзлашмасин унинг ижодиётида шиор бўлиб келмоқда.

А. М. Горькийнинг мамлакат ёзувчилари I съездида адибларимизнинг «ҳар бири ўз халқи учунгина эмас, балки социалистик республикалар иттифоқининг ва автоном областларнинг барча халқлари учун ҳам хизмат қилади» деган сўзлари Ўзбекистон ёзувчилар отряди ижодининг ҳам миллий, ҳам интернационал мазмунини жуда яхши ифодалайди. Республика адибларининг мавзуи, жанри, услуби турлича бўлиб, коммунистик келажак кишисини тарбиялаб камол топтириш проблемаларини кўтарадиган, ленинча миллий сиёсат тантанасини, Ватанимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигининг чашмаларини очиб берадиган, замондошимиз — янги ҳаёт бунёдкорининг гўзал сиймосини мужассамлаштирадиган асарлари бутун мамлакатимиздаги китобхонларга яқин ва тушунарлидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи барча авлодларга манзуб ёзувчилардан, бадиий адабиёт ҳамма турларининг ижодкорлари—прозаиклар, шоирлар, драматурглар ва танқидчилардан иборат 600 кишини бирлаштиради. 17 сентябрь куни Тошкент шаҳрида республика ижодий союзининг СССР Ёзувчилар союзи 50 йиллиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган тантанали пленуми бўлиб ўтди. Пленумни Ўзбекистон халқ шоири Уйғун очди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзига йўллаган табрик хатини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев табрикномани ўқиб берди.

Пленумда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов, Совет ёзувчиларининг I съездининг делегатлари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Сафаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин сўзга чиқиб, ярим аср илгари рўй берган воқеа жуда катта аҳамиятга молик эканлиги тўғрисида гапирдилар. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми, шундан кейинги Пленумларининг маданият арбоблари олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш — ҳар бир ёзувчининг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди. Адиблар ўз куч-ғайрати, бутун талантини Ленин партиясининг ролини чуқур ва ҳаққоний очиб берадиган, ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларни, зиёлиларни улуғлайдиган ва совет турмуш тарзини қарор топтирадиган асарлар яратишга сафарбар қилишни партия ва халқ олдидаги энг биринчи бурчи, деб биладилар. СССР ёзувчиларининг биринчи съездида эълон қилинган социалистик реализм методи шунга чорлайди. Бу — Ўзбекистондаги ҳар бир ёзувчи ижодининг асосий методидир. Қалам усталари республиканинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Республика ёзувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш, бундай ҳолатларни тез йўқотишга бутун куч-ғайратларни билан ёрдам беришни ҳам ўз бурчи деб ҳисоблаётганлиги уқтириб ўтилди.

Пленумда Африканинг таниқли адиби, Осиё ва Африка мамлакатлари Ёзувчилар уюшмасининг Бош секретари Алекса Гума сўзга чиқди. У уюшма номидан Ўзбекистон сўз усталарига янги ижодий муваффақиятлар тилади. Бундан чорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ўзбекистон диёрида икки буюк қитъа ёзувчиларининг ҳаракати бунёдга келган эди. Совет ёзувчилари, деб таъкидлади Алекса Гума, уруш келгуси авлодлар ҳотирасидан чиқариб ташланиши учун, планетамизда тинчлик бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Халқлар дўстлигини тараннум этувчи асарлар яратиш, тараққиёт, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги ищи учун хизмат қилиш — адибларнинг бурчидир.

Руминия Социалистик Республикаси ижодкор ёзувчилар союзининг раҳбари Думитру Раду Попеску Ўзбекистондаги ҳамкасбларига румин адибларининг энг яхши истакларини тошширди.

«Ташсельмаш» заводининг токари, КПСС XXVI съездининг делегати Ю. И. Степаненко, Ўзбекистон Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут согувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Исоқова, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий Советининг аъзоси — Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. А. Моисеев, Тошкент давлат университетининг студенти Д. Ғаниева, Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қаипбергенов, туркман ёзувчиси Б. Худойназаров ўз нутқларида адибларнинг юксак бурчлари тўғрисида гапирдилар.

Тантанали пленум қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога ғоят баланд руҳ билан табрик хатини қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар

(ЎзТАГ).

АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШДА ҚАТТИҚ ТАРТИБ ЎРНАТАЙЛИК

17 сентябрь куни республика прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда чайқовчиликка, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқа тартиб бузишларга тубдан барҳам бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Кенгашда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг, министрликлар, идораларнинг раҳбарлари қатнашишди.

Текширишларнинг натижаларига асосланган ҳолда ҳуқуқ бузишларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди. Савдо-сотиқ корхоналари, маиший хизмат, транспорт, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятидаги салбий ҳолларга қарши кураш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳали ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг талабларига тўла мувофиқ даражада эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга, аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ министрликлар ва идораларга совет савдоси қоидалари бузилишига, чайқовчиликка, бошқа суиистеъмолларга қарши курашни кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тавсия қилинди. Аҳолига хизмат соҳасида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишини кескин яхшилаш, идора назорати таъсирчанлигини ошириш, белгиланган қонунларга қаттиқ риоя этилишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. **(ЎзТАГ).**

ҲИСОБ ОЧИЛДИ

Кеча Москвада Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов—Г. Каспаров матчининг учинчи партияси ўйналди. Бу учрашувда бокслик гроссмейстер Г. Каспаров 31-юришда таслим бўлди. Шундай қилиб учрашувда ҳисоб очилди. Матчда А. Карпов 1:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ВАЗИФАЛАРНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТАЙЛИК

Яқиндагина Тошкент локомотив депоси коллективи КПСС Марказий Комитетининг аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорини муҳокама қилган эди. Унда составлар рейсга яхши тайёрланмаётгани, партия ташкилотлари эса транспорт ишининг қониқарсиз ишлаётгани ҳолларига муросасозлик қилаётгани, унинг ишлаб чиқариш техника базасини ривожлантиришга етарлича ғамхўрлик кўрсатмаётгани тўғрисидаги сўзларни депо ходимлари ўзларига ҳаққоний эътироз сифатида қабул қилдилар.

Локомотив депосининг тепловозларни техник кўрикдан ўтказиш цехи пунктининг иши бевосита йўловчилар ташиш билан боғлиқдир. Худди шу ердан республиканинг турли бурчакларига поездларни элтиш учун тепловозлар йўлга чиқади. Шунинг учун ҳам коллектив ишини яхшилаш, поездлар ишининг графигига қатъий риоя қилишга эришиш коллектив учун жуда ҳам актуал аҳамиятга эгадир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида худди ана шу масалаларга коммунистлар ўз эътиборларини қаратдилар.

— Ҳақиқатан ҳам аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжлари ҳамиша ҳам тўла қондирилмаяпти. — деб таъкидлади ўз докладида цех партия ташкилотининг секретари Л. Сасова. — Меҳнаткашлардан тушаётган шикоят ва эътирозлар буни яққол кўрсатиб турибди. Шуни айтиш керакки, бу эътирозлар фақат йўловчиларга хизмат кўрсатиш проводниклар шаънигагина айтилаётгани йўқ...

Мана, шу йилнинг етти ойлик иш якунларига бир назар ташлайлик. Унлаб тепловоз ишдан чиққан. Шундан ярмисини резервдаги тепловозлар билан алмаштиришга тўғри келди. Чунки рўй берган ишкалликни оператив тарзда тузатиш зарур бўлиб қолган эди-да. Бу ҳол бутун темир йўл иши учун ҳам характерлидир. Негаки, пассажир составлари учун барча тепловозларга шу депода хизмат кўрсатилади ва ремонт қилинади.

Мана, Тошкент бўлими бўйича фактларни олиб кўрайлик. Йил бошидан буён 16 та тепловоз ишдан чиқди. Жиддий зарарланганидан эмас, балки ёқилғи трубкаси ёрилиб кетгани, тезликни ўлчаш мосламаси ишдан чиққани ва бошқа деталлари бузилгани учун бутун тепловоз сафдан чиққан. Бу сиртдан қараганда майда-чуйда нуқсонлардек кўринади, албатта. Аммо бу баъзи ишчиларнинг ўз бурчларига масъулиятсизлик билан қарашлари оқибатидир. Улар коллективни технологик интизомга етарлича риоя қилмасликда айблашади. Шунинг учун ҳам партия ташкилотининг секретари ва йиғилишда сўзга чиққан барча нотиқлар ўз сўзларида коллективда меҳнат, ишлаб чиқариш ва технологик интизомни яхшилашга алоҳида эътиборни қаратдилар.

Партия бюроси коллективнинг ишлаб чиқариш ҳаётига оид масалаларни муттасил ўз диққат-марказида тутди. Бир куни слесарь Г. Чушков ишидаги хато ҳаракат хавфсизлигига жиддий хавф солди. Бу ишчининг масъулиятсизлиги, ўз ишига совуққонлиги партия очиқ йиғилишида муҳокама этилди.

Умуман олганда, партия очиқ йиғилишларини ўтказишдан партия бюроси ишларини яхшилашда кенг фойдаланяпти. Негаки цехда 70 киши меҳнат қилса, бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 14 коммунист бор, холос. Шундан 10 киши пенсионердир. Шунинг учун ҳам долзарб масалаларнинг партия бюроси партия очиқ йиғилишларида бутун коллектив муҳокамасига қўймоқда.

Цех партия ташкилотининг секретари Л. Сасова ўз докладида корхонада партия сафларини ўстиришга тўхталиб ўтди. 1981 йилдан буён бу ерда бор-йўғи фақат бир киши КПСС сафига қабул қилинган, холос. Цехда комсомол ташкилоти йўқлигини қандай баҳолаш мумкин? Тўғри, ёшлар коллективга келиб қўшилса, фақат практикада бўлишади-ю, яна кетишади. Ёки ҳунар-техника билим юртини битириб келганлар кўп ўтмай Совет Армияси сафларида хизмат қилишга жўнаб кетишади. Корхона коллективи ва партия ташкилоти бир нарса ҳақида жиддий ўйлаб кўриши керак. Нега ёшлар цехда қолишни исташмаяпти?

Ҳисобот-сайлов партия йиғилишида слесарь А. Рустамбеков, машинист-инструктор Ю. Ҳайруллабеков, слесарь Г. Петров, локомотив депоси партия комитетининг секретари Э. Погребняклар сўзга чиқиб, иқтисодий таълим системасидаги машғулотлар савияси, партия бюросининг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича олиб бораётган ишларига тўхталиб ўтдилар.

Яқинда цехда тепловозларни кузги комиссия кўригидан ўтказиш бошланади. Депо ходимлари олдида пассажир паркини созлаш бўйича катта ишлар турибди. Бу эса қишки мавсумда ишларни бир маромда ташкил қилишнинг гаровидир. Йиғилишда шунга ишонч билдирилдики, коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг пассажирларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш бўйича қарори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI Пленуми қарорлари талаб этганидек, партия ташкилоти ва бутун цех коллективи ўз ишини яхшилайди.

З. МАДАЛИЕВА,
«Среднеазиатск а я магистраль» кўп нусхали газетасининг мухбири.

Муҳаммаджон Нурхўжаев кўп йиллардан буён Октябрь революцияси номли Тошкент тепловозремонт заводида илғор бригадага бошчилик қилиб келади. У КПСС аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдоридир. М. Нурхўжаев бошчилик қилаётган бригада республика юбилейига қадар йиллик планни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.
СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи М. Нурхўжаев.
М. Нуриддинов фотоси.

НОН — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

ЎТТИЗ ИККИ ХИЛ
ДОНИМИЗ,
«ОҚ ОЛТИН»НИНГ
КОНИМИЗ,
ОҚ БУҒДОЙЛАР
НОНИМИЗ.
БОР БЎЛСИН БИЗНИНГ
ВАТАН!
Ислом ШОИР.

ҚУЁШ ЖАМОЛИНИ КЎРАМИЗ

Нон энг азиз ризқи-рўзимиз бўлганлигини жуда қадимги манбалардан ҳам билиб оламиз. Гомернинг гувоҳлик беришига қараганда, нон ўтмишда Греция деҳқонлари учунгина эмас, ҳатто сарой оқсуяклари учун ҳам муқаддас таом ҳисобланган. Гўшт, ширинликлар, сут-қатиқ, тухум каби серғоз ва тўқтутар лаззатли таомлардан ҳам кўра нонни улар юқори баҳолаганлар. Ҳеч қайси таом нончалик мазали эмас, деб билишган.

Қадимги нонинг рамзини қуёшга монанд этишган. Сиз ҳар куни эрталаб календарь варағини йиртаётиб мана бундай — ўртасида нуқтаси бор донра белгисига кўзингиз тушади. Бу белги қадимда Шумер пероглиф ёзувчиларида «РА» деб аталган, Маъноси қуёш демакдир. Кейинчалик жуда кўп халқлар нонни ҳам худди шу белги билан ифодалайдиган бўлишган.

Қуёш билан нонни бир белги билан ифодалаш, ҳар иккаласи ҳам ҳаётнинг асосий омили демакдир. Қуёш бўлмаса нон етиштириб бўлмайди, нон бўлмаса кун кўриб бўлмайди. Нонда қуёшнинг жамолини кўрамиз. Нонни шарга ўхшатиб зувала ясаб қўрга кўмиб пишириш (кўмач), ёинки донра шаклида тўгарак пишириш (буханка), ёйинки донра шаклида ликопчасимон қилиб ясаб тандирга (патир, лавшо, кулча) қилиб ёпиш усуллари жуда кўп халқларда сақланиб қолганки, бу ҳам нонниг шаклини қуёшга ўхшатишнинг ёрқин мисолларидир.

СССР Давлат гербига аҳамият беринг-а. Тонгги қуёшнинг заррин нурларини буғдойпоя дасталари ўраб турибди. Ҳар бир иттифоқдош республикаларнинг давлат гербларида ҳам қуёш нурлари ва буғдой бошоқларини кўрамиз. Албатта, бунинг нон ва қуёшга сиғиниш каби ибтидоий одатга сира ҳам алоқаси йўқ, албатта. Аммо гербимиз бизнинг мамлакатимиз донни кўп етиштирувчи нон мамлакати эканлигининг рамзий ифодасидир. Жаҳонда дон экиладиган майдонларнинг кенглиги жиҳатидан ҳам, ҳосилдорлиги жиҳатидан ҳам Ватанимиз биринчи ўринда туради.

• Ишчининг қалб сўзлари

СИФАТГА ЭЪТИБОР БЕРИБ

Корхонамизда халқимиз суйиб харид қиладиган бубликлар, тешиккулчалар, макарон, қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Биз сирғалувчи график бўйича ишлаб ҳафтанинг барча кунларида истеъмолчиларга маҳсулот етказиб берамиз. Цехимизда тайёрланаётган тешиккулчалар қуритилиб, олис яйловлардаги чўпон-чўлиқларга ҳам юборилади. Коллективимиз шу кунларда ҳар сменада 4—4,5 тонна сифатли нон маҳсулотлари тайёрлаб, савдо тармоқларига етказиб беряпти.

Кейинги йилларда корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш тинмай ўсиб боряпти. Жумладан, макарон ишлаб чиқариш участкасида замонавий технологик линия ўрнатилди. Унда йилига 8 минг тонна маҳсулот тайёрлаш мумкин. Яна бир янги механизациялашган линия пряниклар ишлаб чиқаришни 40 процентга оширди. Булардан ташқари корхонада ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш бўйича яна бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Шу кунларда корхонамизда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақа қизимоқда. Нонвой Л. Мираҳмедова, машинистлар М. Циганкова, Б. Тошпўлатова, М. Исматуллаевалар кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлиб, ўзаро меҳнат беллашувида олдинги ўринда боришяпти.

Нон маҳсулотлари ер юзидаги энг азиз неъматдир. Шунинг учун ҳам биз ўзимиз тайёрлаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли, харидорларга манзур бўлиши учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга соляпмиз. Жумладан ишчиларнинг малакасини оширишга, ўхшаш касбларни ўрганишга, ишлаб чиқариш технологиясига қатъий амал қилишга муҳим аҳамият беряпти. Бу ўз навбатида бизга маҳсулотимизнинг асосий қисмини юқори сифатда тайёрлаш имконини бермоқда.

Шахсан менинг ўзим сифатли меҳнат қилишдан ташқари, касб маҳоратимни ёш ишчиларга сидқидилдан ўргатяпман. Ёшлар бизнинг ёрдамимизда қисқа кунда малакали ишчилар сафидан ўрин олишаяпти.

Н. ИБРОҲИМОВА,
булка-кондитер комбинатининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ҲИКМАТ —
БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ҲАЁТ МАНБАИ

● Меҳнат билан топилган нон болдан ширин.
● Нон имондан азиз, уни исроф қилманг.
● Нонсиз дастурхоннинг кўрки йўқ.
● Катта-катта гапиргандан, катта-катта нон тишла!
● Нон — овқатларнинг султони.
● Нонни эъзозлаганни — эл эъзозлайди.
● Нон — ҳар бир хонадоннинг жони.
● Нон ҳидида — ҳаёт бор,
Ҳар мағзида — мамот бор.
● Нонниг таъми туз билан,
Одам маъни сўз билан.
● Ўсимликларнинг бобокалони буғдой.
● Қушлар ҳам дон топиш дардида ҳаракат қиладилар.
● Меҳнат қилганга доим нону насиба бор.
● Тошда дон унмайди.
● Нон бор уйда-шодлик бор.
● Олтин-кумуш — тош бўлур, арпа-буғдой — ош бўлур.
● Чумоли тортиб кетаётган буғдой донасида унинг келгуси умри яширинган.
● Нони ҳалолнинг ўзи ҳалол.

Нон сифатли, хушбўй, таъми ширин бўлса одамлар нонвойларга раҳмат айтади, уларнинг олов олдидаги заҳматли меҳнатига тасаннолар билдиради. Октябрь районидаги 11-ошхонага қарашли нон маҳсулотлари цехида моҳир нонвойлар ишлашади.
СУРАТДА: цехнинг илғор нонвойлари Зокиржон Собиржонов ва Раҳматулла Каримжоновлар седанали обинонларни тайёрлашмоқда.

• Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда

ҲАМ ҒИЗО, ҲАМ ШИФО

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино ва унинг устози Абу Бакр Муҳаммад Закариё ар-Розий азиз ризқи-рўзимизнинг дори-дармонлик хусусиятларига ҳам аҳамият берганлар ва уни анчагина касалликларни даволашда қўллаганлар. Халқ табобатида ҳам нондан дори сифатида фойдаланиш учраб туради. Азиз оқшомхонлар диққатига шулардан баъзиларини ҳавола этдик.

● Милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа қаттиқ нон чайнаш керак.

● Посотли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса фойда қилади.

● Сариқ касалида анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиш керак.

● Ошқозон бузилиб, ич кетса ёки юракбуруғ касалга чалинганлар кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, сўнг бир пиёла қатиқ ичиб юборишса, вассалом, таққа тўхтайди.

● Абу Али ибн Синонинг айтишича: узоқ давом этган касалликлар натижасида кишининг ички аъзолари қон томирлари, жигарида тиқилмалар пайдо бўлиши мумкин ёки киши иссиқ мижозли бўлса танаси қизиб юради. Баъзи одамлар доим семиришга мойил бўладилар. Ана шундайлар учун ҳаким суви қочган нонни ювиб ейишни тавсия этади.

● Ибн Сино бундай деб ёзади:

«Ювилган нон совутувчи бўлиб, озиқалиги кам бўлади ва у меъдада сузиб юради, у икки мижозли одамлар учун яхши бўлиб, тиқилмалар пайдо қилмайди, қизитмайди. Нонни ювиш қуйидагича, суви қочган нонни олиб унинг мағзи иссиқ сувда ивитилади. Сўнгра устига чиққан сувини тўкиб ташлаб ва яхши бўккунча янгилаб турилади.

● Кўнгил айниб еганини қусиб юборадиган ошқозонида ачишиш пайдо бўлган беморларга Абу Бакр ар-Розий нонни асалга ботириб ейишни тавсия қилган.

● Нонни сутга ботириб ейиш пешоб йўлларидаги ачишишга барҳам беради.

● Тандурий нонларнинг ҳаммаси ҳам шифолик хусусиятига эга бўлади, негаки бундай нонлар тандир деворларида аккумуляция бўлган иссиқлик ва чўғдан таралган инфрақизил нурларнинг таптида пишади.

● Эланган оқ ундан қилинган нон яхши озиқа бўлади, лекин секин сингади ва семиртириб юборади. Шунинг учун кепакли нон ва қора ариш нондан ҳам тез-тез еб туриш керак.

● Қайси хилдаги нон бўлмасин, уни кўп еган одам кўп ҳаракат қилиши, жисмоний меҳнат қилиши жуда-жуда зарурдир. Боқибеғамлик билан кўп нон еган одам ортиқча семириб кетади, юрагини ёғ босади, бунинг оқибати эса яхши бўлмайди. Нон деганда биз хамир овқатларни ҳам тушунамиз: сомса, чучвара, норин, лағмон кабилар. Бундай таомлар серҳаракат, чаққон одамлар учун жуда фойдалидир, аксинча, дангасалар учун кони зарардир.

● Ҳамири сутга қорилган нон барча касалликлар учун парҳез ўрнига ўтади, бироқ ортиқча тўйиб емай, оз-оз тамадди қилиш керак.

● Нонни мева мурабболари ва қиёмларига текизиб ейилса, ҳазми таом бўлади.

● Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга нон тўғраб ивитиб докада сузиб ичилса кўнгил ёзилиб кетади.

● Иштаҳа қирқилганда ҳам, қорин жуда оч қолганда ҳам бир парча қора ноннинг сиртига саримсоқ пиёз суркаб, туз сепиб еб кўринг, ҳузур қиласиз.

● Гўшт қийма ёки жизза қўшиб тайёрланган нондан бир тўйиб еган кишининг қуввати ошади. Озиб-тўзиб кетган бемор ана шундақа нондан еб турсалар шифо топади.

Биласизми?

НОННИНГ ХИЛИ ҚАНЧА?

Ватанимизда 6 минг хил нон ёпилади. Жаҳон миқёсида эса, олимлар миллионга яқин хилини санашганда, адашиб кетишди, чунки, санаб ҳисобига етгунларича анча хиллари унутилиб, янги-янги хиллари бетўхтов пайдо бўлар экан.

Нон ёпганда унга сув, туз, хамиртуруш қўшибгина қолмай, яна мой, жизза, гўшт, сут, тухум, пиёз, маргарин, қатиқ, қаймоқ, ҳар хил кўкатлар, турли ҳид берувчи зираворлар, шакар ва яна бир қанча неъматлар қўшиш услублари борки, булар нон хилини жуда кўпайтириб юборади. Бунинг устига нон фақат буғдойдангина эмас (буғдой навларининг ўзи турли хил), маккажўхоридан, оқ жўхоридан, тариқдан, арпадан, аришдан, курмакдан, гуручдан ва яна бошқа донларнинг унидан тайёрланади, ҳар хил унлар бирбирига аралаштирилиб нон ёпиш услублари ҳам бор, чунончи буғдой унига горчица уни қўшиб ёки буғдой унига нўхот уни қўшиб ва ҳоказо.

Нонни пишириш технологиясининг турличалиги ҳам нон хилининг кўпайишига сабаб бўлади: деворий тандирда, ер тандирда, қўрга кўмиб, печкада, духовкада, қайнатиб, қовуриб, буғлаб каби пишириш усуллари бор.

Ёқилғининг ўзгариши ҳам нон хилини кўпайтиради; кўмир, ўтин, газ, нефть маҳсулотлари, электр энергияси, қуёш энергияси, вулқонлар энергиясидан фойдаланиб нон пишириш усуллари бор. Ноннинг ясаш шакллари ва юзига чакич уриш ёки бирон бошқа усул билан безаш кабилар ҳам нон хилини кўпайтиради. Мисол учун (тоғора буханка, ғишт буханка, тухумсимон буханка) батон, крендель, булочка, французча булочка, кулябка, печенье, ойсимон, шохсимон ўрма булочкалар, лаваш, чурек ва ҳоказо, яна ҳар бирининг ўз хиллари бор.

Нон хили ҳар бир миллий пазандаликда яна ўзгача, масалан ўзбек нонларининг мисолида буни кўриш мумкин: патир, кулча, обинон, жиззали нон, гижда, уй нони, ширмой, қўшалоқ, ширмой патир, кунжутли нон, қатлама нон, хунон...

Шундай қилиб, пўрсилдоққина, пишган буғдой нонини синдириб-синдириб ейилаётганда мана шу маҳсулот инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири эканлиги ҳамманинг эсида доим турса деймиз. Зеро, нон ўн беш минг йил давомида инсониятнинг олиб борган машаққатли меҳнатининг самарасидир.

• Эсингизда бўлсин...

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Дастурхонда ортган нон озми, кўпми, бундан қатъий назар, уни тўғраб офтобда ёки духовкада қуритиб халтачаларга солиб қўйилиши керак. Чунки ноннинг суви яхши қочмаган бўлса ёки бошқа намни тортиб олган бўлса, у бир кунда моғорлайди, пўпанак босади.

● Нон талқоннинг уйда бўлишлиги яхши. Кабоб, котлет, балиқ қовурганда урвоқлаш учун жуда қўл келади. Урвоққа оқ ун ишлатгандан кўра нон талқондан фойдаланилса, исроф камайиши билан бирга, қовурилаётган гўшт селининг беҳуда чиқиб кетмаслигини таъминлайди, ўзига шимиб олиб лаззатини яхшилайди ҳамда сиртини қип-қизил қилиб, иштаҳа қўзғатадиган бўлади.

● Қозонга сабзи, шолғом, пиёз ва гўшт солиб милтиратиб қўйсангиз вақтингиз анча тежалади. Сабзавотларнинг мазаси ва гўштдаги ёғ «чумчуқ кўзи» бўлиб яхшигина қайнатма шўрва ҳосил бўлади. Косаларга сузгач, қаттиқ нон солсангиз, у бўртади, хушҳўрлиги ортади ва тўқтутар бўлади.

● Қозонда ёғ доғлаб пиёз жазланг, сўнгра томат билан картошка қоворинг. Буни қовурма ёки нон палов деб ҳам атайдилар. Сув қуйинг, қайнаб чиққач, қаттиқ нон бўлакларини солиб дамланг. Таомнинг ҳажми анча кўпаяди, томатнинг нордонлиги билан гўштнинг лаззатини шимиб олган қаттиқ ноннинг таъми жуда хушҳўр бўлади.

● Айтайлик уйингизда юмшоқ нон тугаб қолди, бироқ суви қочган нон бор ва қаттиқ нонни эҳтиёт қилиб қўйгансиз, уни қандай янгилаш мумкин? Бунинг йўли осон. Қаттиқ нонни бир оз ивитиб, суви қочган нонни эса ҳўллайсиз. Ҳар иккаласини манти қасқон лаппакларига қўйиб буғласангиз, бийиллаб қолади. Шу усулда ортган қатнала, сомса ва бўғирсоқларни ташлаб юбормай «яшартириб» ейилса ҳам фойда, ҳам исроф бўлмайди.

Нон талқондан кисель тайёрлаш ҳам мумкин. Бунинг учун талқонга бир оз сув қуйиб ийланади, қаймоқ қуюқлигига келганда сут қўшиладида, суст оловга қўйиб доим кавлаб турган ҳолда ўн минутча қайнатилади, сўнгра шакар ёки суюлтирилган асал аралаштириб совитилади. Яхнагина бундай кисель кишига анча ҳузур бахш этади.

● Тухумни ийлаб, бунга қаттиқ нон бўлакларини чийлаб ёғда қовуриб ўз селига 5—7 минут димлаб қўйсангиз, юмшаб, бағоят лаззатли таом ҳосил бўлади. Буни лаганга сузиб дастурхонга тортганда помидордан тайёрланган салат билан бирга истеъмол этилади.

● Қаттиқ нонни мясорубкадан ўтказиб, тайёрланган талқонни эланг. Бунга пича илиқ сутда эритилган асал қўшиб хамир қоринг. Талқон хамирни ёнғоқдай-ёнғоқдай келадиган қилиб юмалатингда, патниси ёғланган духовкага қўйиб қизартириб олинг. Ажойиб печеньелар ҳосил бўлади.

ТИШНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Инсоннинг табиати қизиқ, табиат яратган неъматлар қизиқ. Қарангки, нон ҳеч кўнглимизга тегмайди. Чунки, унинг таркибида 35 процент оқсил, 65 процент углеводлар, клетчатка, B1, B2, PP витаминлари, минерал тузлар, микроорганизмлар мавжуд. Кимёвий таркибида темир, кальций, фосфор ва бошқа моддалар борки, булар тирик организм учун ниҳоятда зарур моддалардир.

Ноннинг ғовак-ғовак бўлиб пишиши ҳазм қилишни осонлаштиради.

Қотган нон чайнаган болаларнинг тишлари ҳеч оғримайди, мустаҳкамланади. Нон ҳам нон, увоғи ҳам нон, у азиз ва мўътабардир. Саломатлик учун иложи борича қаттиқ нон истеъмол қилиш лозим, чунки кўпинча зарда қайнамасликнинг бирдан-бир давоси ҳам қуритилган нондир.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.

• ҚИЗИҚАРЛИ ПАЗАНДАЛИК

МУЗЕЙ КЎРГАЗМАЛАРИДА

1962 йил нашр этилган «Рус пазандалиги» китобини варақлаганда, унда 1400 хил таом борлигининг шоҳиди бўламиз. Умуман, рус халқининг пазандалиги таомларининг хилма-хиллиги, ноёблиги, қадимийлиги, парҳезлиги ва албатта лазизлиги жиҳатидан жаҳон пазандалик санъатида классик ҳисобланади. Русча таомларнинг рўйхати 8 минг хилдан ҳам ортиқдир. Шулар орасида ҳамирдан тайёрланадиганларининг ўзи бир неча минг хил. Россия азалдан «Нон мамлакати» деб юритилади, нонлар орасида узоқ йиллар сақланадиган қилиб пиширилганлари ҳам бор. Бундай ноннинг майдароқ печеннийсимон қилиб пиширилгани пряник, катта буханкасимони эса коврижка деб аталади.

Ёшлигидан пазандалик санъатига меҳр қўйган москвалик нонвой-кондитер Николай Дмитриевич Виноградов нақ 70 (1913—1983) йил мобайнида рус халқининг ана шу пряник ва коврижка нонларини коллекция қилиш билан машғул бўлган. Каттагина хонани эгаллаган ана шу нонларнинг хили икки мингга етибди: кичкина тангадай-тангадайлари, юмалоқ-шарсимон, тўрт бурчак, тахтакачсимон, катта-катта буханкалар, конуссимон қилиб ясалганлари, пилдироқсимон, юзига хат ёзиб ишланганлари, кўнгирадор ва ҳар хил суратлар солиб пиширилганларини кўрган кишининг пазандалик дарҳақиқат амалий санъатнинг махсус жанри эканлигига ишонч ҳосил қилмай иложи йўқ.

Николай Дмитриевич ушбу ноёб коллекциясини СССР халқлари этнографияси Давлат музейига ҳадя қилди.

Материалларни **Карим Маҳмудов** ва **Тўлқин Расулев**лар тайёрлашган.

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНА ТАРАҚҚИЕТ УФҚЛАРИ

●

Даланинг вужудга келиши

Новгород яқинида барпо этилаётган «Ташкентский» совхози учун бир вақтлар ташландиқ яна уч юз гектар ер унумдор далага айлантирилди. Бу ишни зах қочириш системасини яратган ўзбекистонлик мелиораторлар яратдилар. Чунончи улар бу ишни муддатидан илгари «яхши» баҳо билан битказиб топширдилар. Энди деҳқонлар бутун майдонни кузги экинлар билан банд қилишга қарор қилдилар.

Бутазорларни тозалаш, ер текислаш, зовур ариқ ётқизиш, ер ҳайдаш ишларининг ҳаммаси изчил ўтказилди. Механизаторларни маънавий ва моддий рағбатлантириш объектни битказиб топшириш муддатларига, бажарилган иш сифатига боғлиқ қилиб қўйилган.

Ўртоқлари билан бирга янги 40 гектарлик участкага ўтган коммунист И. Забелин яхши ишлаяпти. Бу участкани ярим ой ичида тайёрлаб беришга қарор қилинди. Зовур, қувур ётқизувчи ишчилар қувурларни шиша тола билан яхшилаб изоляция қилмоқдалар. Чангалзор ва ботқоқликдан иборат бўз ер қадам-бақадам ўзлаштириб борилмоқда. Бу участка ҳатто новгородликлар назари билан ҳам энг қийин участкалардан бири ҳисобланади; тошлоқ, ҳамма ёқни сув босган. Лекин Забелин шундай шароитларда ҳам смена топшириғини ошириб бажармоқда.

Эллигинчи йиллардаги Қозоғистон қўриқ ерлари Забелиннинг тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди. Иван ўша ёққа жўнаб кетиш олдидан ҳунар-техника билим юртини битирди. Билим юрти қўриқ ер хўжаликлари учун мутахассислар тайёрлаб чиқарарди. У ерда садоқати, зарбдор ишлари учун «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланди. Коммунистлар уни шу ернинг ўзидаёқ КПСС сафига қабул қилдилар. Оилали бўлди, энди у бу ерларни тарк этмоқчи эмас. Бунда матбуот «айбдор» —деб куламсирайди Забелин.

— Ноқоратупроқ зонага тажрибали механизаторлар кераклигини ўқиб қолдим, шундай қилиб «Тошкент —9Х механизациялашган кўчма колоннасининг составида «Ташкентский» совхози қурилишига келиб қолдим.

Яна ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келди. Яна юк машинаси рулини тутдим. Аммо деҳқончилик ўзига ром қиларди. Кўп чўмичли экскаватор машинистига ёрдамчи бўлганлигим тасодифий ҳол эмас, энг яхши мелиораторлардан бири Анатолий Альфимовдан таълим олдим.

Машинистлар курсини битириб, капитал ремонтдан чиққан экскаватор экипажига бош бўлдим. Забелиннинг ишга яхши тайёргарлик кўриши жуда яхши натижа берди: у бошчилик қилаётган коллектив биринчи ойдаёқ иш нормасини ошириб бажарди.

Шу дала мавсумида ҳам экипажнинг омади келди; йиллик программа бажарилди.

— Келгуси режаларни олдиндан айтиш қийину лекин йил охиригача яна шунча иш қилишимга кўзим етади, — дейди Забелин.

(ТАСС—ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА



Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган «Тошкентнинг олтин кузи—84» Бутуниттифоқ санъат фестивали республикамиз бўйлаб давом этмоқда. Театр ва концерт залларида, қишлоқ клублари ва маданият саройларида, олий ўқув юртлари студентлари ва саноат корхоналари меҳнатчилари ҳузурида Иттифоққа машҳур санъат коллективлари концертлар беришмоқда. Ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, шўх рақслари билан томошабинларни хушнуд этишмоқда.

СУРАТЛАРДА: Арманистон ССР халқ артисти Э. Узунян саҳнада; Ўзбек Давлат филармонияси «Шодлиқ» ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари.

Т. Каримов фотолари.

Инсон—табиат фарзанди

ҲАЁТ МАНБАИ

Дипломсиз, муҳрсиз, кабинетсиз ва бепул даволайдиган пролетар шифокор—қўшдир.
Н. И. ПОДВОЙСКИЙ.

Ўлкамиз табиати ранг-баранг, об-ҳавосининг мусаффолиги, ҳайвонот оламининг бойлиги, ям-яшил ўрмонлари, шўх ва асов дарёлари, минг дардга даво булоқ сувлари, булбулларга маскан водийлари инсон кайфияти билан доим ҳамроҳ ва ҳамнафасдир.

Сув ва замин табиатнинг асоси бўлса, қуёш ва ҳаво ҳаётнинг манбаидир. Бу тўртта «жўра» бир-бирига уйғун, мувофиқ ва мос келса, бунинг устига инсон табиатни жондилдан севса, эъзозласа ўлка гулистонга айланади.

Диёримиз ўзидан-ўзи беполён экинзорларга, боғу-роғларга айланиб қолмаган албатта. Уни гулистонга айлантириб, булбулларга маскон айлаш учун инсон тинмай меҳнат қилади. Канал очади, кўчат ўтқазади, экин экади. Ўлкага меҳр қўйиш, уни севиш, гўзаллик яратишга ундаган шоир Эркин Воҳидов ёзади:

Мулки борлиқ ичра
бир маҳал
Кўрксизгина олам
яралган.
Бермоқ учун дунёга
сайқал,
Оламаро одам
яралган.
Шундан бери инсон
тинмайин,
Шу ер узра тер
тўкар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани
сайин
Гўзал бўлар ўзи
ҳам инсон.

Шу тариқа саҳро ва чўллар сувга қониб, обод воҳалар пайдо бўлаверган. Воҳалар кўпайган сайин ўлка безанибгина қолмай, балки ўзига хос иқлимни ҳам яратади. Қуёш қаърида узлуксиз чақнашлар юз бериб туради. Бу ҳодиса ўз навбатида биологик ўзгаришларга сабаб бўлади.

Абу Али ибн Сино фикрича, одамнинг саломатлиги ташқи муҳит билан чамбарчас боғланган. Аллома Беруний эса, «Одамлар тузилишларининг ранги, сурат, табиат ва ахлоқда турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер — одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир»,— деган эди.

Зилол сувлар, ям-яшил дарахтлар ўлкани гўзал қилибгина қолмай, балки одамлар саломатлигига ҳам кони фойда эканлиги барчага аён. Анъаналаримизга кўра ҳавони бўлғаб, сувни ифлослаб, кўчатни синдириб бўлмайди. И. П. Павлов, одам табиатининг гаштини суриш учун соғлом, кучли ва ақлли бўлиши керак, деб бекорга айтмаган.

Даниялик врач Нильс Финзен бир куни офтобда исиниб ётган мушукнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатади. Мушук соя тушиши билан ўрнидан туриб, яна офтоб тушадиган жойга бориб ётади. Мушукнинг бу ҳаракатини кўрган Финзен қуёш нурининг тирик организмга қандай таъсир қилишини ўрганди ва беморларни даволашда қуёш нуридан фойдалана бошлади. Нильс Финзен бу кашфиёти учун 1903 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Қуёш туфайли «ёруғ дунё» вужудга келган. Бусиз тирик мавжудотнинг ҳаёт кечиришини тасаввур этиб бўлмайди.

Қуёшнинг инфрақизил нурлари ерга исиқлик етказиб берса, ультрабинафша нурлар тирик организм билан кимёвий мулоқатда бўлади. Тери Д витамини йиғиб раҳитдан қутқаради, пигмент (меланин) тўплаб, баъзи бронзага айланади.

В. М. Маяковский айтганидек: «Бронза мускуллардан топ тоза теримиздан, айтинг янада гўзал кийим борми дунёда?».

Қуёш ҳарорати таъсирида бир қанча вирус ва микроблар ҳалок бўлади. Тоғ чўққиларидаги қор ва музликлар эриб дарёларга, бинобарин, заминга жон киради. Натижада, экин, майсалар, яшил хазиналар астасекин ўзларини намоён эта бошлайдилар. Бундан паррандаю-даррандалар, умуман жониворлар баҳраманд бўлади, шўхлик ҳам бошланади. Буни — ҳаёт дейдилар.

Қуёш нурлари тирик мавжудотларни худди қулоғидан тортгандек ҳайла барвақт етиштиради, пишитиб, тоблайди ҳам. Саломатликни яхшилаш, яъни чиниқиш учун киши ўзини аста-секин офтобга тоблаши керак.

Республикамизни серқуёш ўлка деб аташлари бежиз эмас. Ўлканинг текислик қисмида қуёш қарийб тўққиз ой «меҳмон» бўлиб туради. Тошкентда, масалан, ҳар бир квадрат сантиметр текис майдон йил давомида 136 минг иссиқлик калорияси олади.

Қуёшдан иссиқсевар экинлар: пахта, тут, каноп, шоли жон олса, сувдан қон олади. Мевалари шириншакар бўлади.

Ипак қуртининг озиғи — тут барглари қуёш тафтидан бунёдга келади. Нурота, Томди, Фориш районларида етиштирилган, шуҳрати жаҳонга тарқалган қора қамари, сур ва бошқа ажойиб қорақўл териларининг жилоси ҳам қуёшдандир.

Эрта тонгда қуёш ҳали чиқмасдан ҳаво оқ-кул ранг бўлиб кўринади. Қуёш астасекин кўтарилиши билан осмон тиниқлаша бошлайди. Қуёш тик бўлганда осмон кўмкўк бўлиб кетади. Қуёш нурлари қалин ҳаво қатламидан (юз километр) ўтар экан, осмон тиниқ, кўк бўлиб кўринади. Бир томчи сув рангсиз. Наҳорда денгиз кул ранг, сўнг гўқ кўк рангда кўринади. Тушки офтобда эса, у турли-туман тиниқ бўёқларда товланади. Табиатнинг дурдонаси —одамнинг ҳам ранги-рухсори, **кайфияти — барчаси қуёшдандир.**

Зикриолла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати, П. Пирогов мукофотининг лауреати.

Зарифа ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.

ЁШЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

XVI БУТТИТТИФОҚ ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

СОВРИНДОРЛАР ОРАСИДА

«Юбилейний» спорт саройида гимнастикачилар баҳсни якунлашди. Бу ерда спорт мастери Ирина Бараксанова ва спорт мастерлигига кандидат Рамиль Афзалов республикамиз спортчилари жамғармасига муносиб ҳисса қўшишди. Жумладан, Ирина Бараксанова кўп кураш якунига кўра спартакиаданинг кумуш медали билан тақдирланди. Р. Афзалов ҳам кумуш совриндор бўлди.

Алоҳида машқларни бажаришда И. Бараксанова бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медалини қўлга киритди. Р. Афзалов эса иккита кумуш, иккита бронза медали билан тақдирланди. Таяниб сакраш машқини бажаришда республикамизнинг яна бир вакили Зарема Ёқубова бронза медалини қўлга киритди. Спорт гимнастикачиларимиз умумий якунда спартакиаданинг 10 та медалини қўлга киритдилар. Қизлар командаси олтинчи, ўсмирлар командаси эса саккизинчи ўринни эгаллади.

Митрофанов номидаги сув спорти саройида сув полоси бўйича баҳслар давом этяпти. Бу ерда республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашмоқдалар. Сўнгги турда ватерполочиларимиз тожикистонлик тенгдошларини 10:6 ҳисобида мағлубиятга учратиб, қимматли икки очкога эга бўлдилар. Улар РСФСР, Украина, Қозоғистон, Москва, Тожикистон командалари билан чемпион унвонини қўлга киритиш учун баҳсни давом эттиришяпти.

«Меҳнат резервлари» спорт комплексида волейболчилар беллашмоқдалар. Республикамизнинг қизлар командаси навбатдаги турда енгишди.

110-мактабнинг спорт залида шахматчилар баҳси давом этмоқда. Республикамиз вакиллари навбатдаги турда украиналик тенгдошлари билан баҳслашдилар. Бу сафар 4,5:3:5 ҳисобида украиналик шахматчилар ғолиб чиқишди. Шунга қарамасдан шахматчиларимиз 20,5 очко билан ўз группаларида пешқадамлик қилишмоқда.

СУВДАГИ НАФОСАТ

Синхрон сузиш спортнинг нисбатан кенжа турларидан бири ҳисобланади.

Спартакиада беллашувларида 10 команда қатнашганлиги бунинг далилидир.

Дастлабки кундан бошлаб РСФСР терма командасининг аъзоси Ирина Жукова пешқадамликни қўлга олди. Ў умумий якунда 160,83 балл тўплаб, спартакиада чемпиони унвонини қўлга киритди. Қолган медаллар эса москвалик спортчиларга топширилди. Альфия Жамалетдинова кумуш, Людмила Осипова эса бронза совриндори бўлди.

Жуфт дуэтлар баҳсида ҳам омад москваликларга ёр бўлди. А. Жамалетдинова ва А. Лафаренко шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Команда ҳисобида ҳам москвалик спортчилар биринчи ўринни эгаллашди. РСФСР вакиллари иккинчи, ленинградликлар учинчи бўлишди. Республикамизнинг ёш спортчилари эса умумий якунда саккизинчи ўринни эгаллашди.

Спортчиларимиздан Ольга Муратова ва Лариса Гуртовник юксак маҳорат кўрсатишди. Уларнинг программаси чиройли комбинацияларга бой бўлди. Людмила Лухнатя, опа-сингил Валентина ва Татьяна Чернюк, Ирина Васильева, Елена Сувророва ва Людмила Лиценколар ҳам эришилган натижага салмоқли ҳисса қўшдилар. Мусобақалар якунланиши билан биз Арманистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Константин Айрапетович Заргарян билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон командаси мусобақага маҳоратини ошириб боряпти. Чиройли комбинациялар билан мухлисларни ҳушнуд этмоқда. Коллектив жуда иноқ. Бунда албатта катта тренер И. Аликберовнинг хизмати катта.

СССР терма командасининг катта тренери Зоя Александровна Барбиернинг таъкидлашича, Ўзбекистон командасининг маҳорати анча юксалган.

Ю. ЛЕБЕДЕВ.



Тошкентдаги спорт базаларида Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасининг финал баҳслари авж олиб бормоқда. Бадиий гимнастикачилардан кейин спорт гимнастикачилари ва гандболчилар ғолибларни аниқлашди. Спортнинг бошқа турлари бўйича беллашувлар давом этяпти.

СУРАТЛАРДА: Синхрон сузиш, эркин кураш ва полвонлар баҳсларидан олинган лавҳаларни кўриб турибсиз.

Р. Альбеков фотолари.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. ЖАББОРОВ: Балконимга батарея ўрнатган эдим. Бунинг учун 200 сўм сарфладим. Яқинда уй-жойлардан фойдаланиш участкасидагилар келишиб, бу батареяларни олиб ташлашни айтишди. Уларнинг шу талаби тўғримй?

ЖАВОБ: Балконга ўрнатилган батареяларни олиб ташлашингиз керак. Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг қарорига биноан ўзбошимчалик билан ўрнатилган батареялар олиб ташланиб, уй эгасида қолдирилади ва унга ҳеч қандай ҳақ тўланмайди.

Справка шаҳар уй-жой бошқармасидан олинди, Пролетар кўчаси, 6-уй, телефони 33-37-88.

●

Б. ҚОДИРОВ: Ишдан келсам батареямиз ёрилиб, фонтан бўлиб отяпти. ЖЭУга борсам ҳеч ким йўқ. Бир амаллаб тўхтатдим. Бундай ишларни ўзи ким бартараф этади?

ЖАВОБ: Бундай ишларни асосан шаҳримиздаги уй-жойлардан фойдаланиш участкасига жойлашган диспетчерлик хизмати бажаради. Улар эрталаб соат 9 дан кеч соат 21 гача ишлайди. ЖЭУда ҳеч кимни учратмаган бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган Собир Раҳимов районидаги уй-жойдан фойдаланиш трестининг кечаю-кундуз ишлайдиган диспетчерига мурожаат қилишингиз лозим. Бу трест биноси Маданият кўчаси, 1-проезд 12-уйда жойлашган, телефони 29-26-28.

Справка шаҳар уй-жой бошқармасидан олинди. Пролетар кўчаси, 6-уй, телефони 33-82-01.

●

Ш. СОТИМБОЕВА: Юнусободдан уй беришганига 14 йилдан ошди. Шу даврда бир маротаба уйимиз ремонт қилинди. Подъездларни эса тўрт маротаба бўяб кетишди. Бу давлат уйлари неча йилда жорий ва капитал ремонт қилиниши керак?

ЖАВОБ: Жорий ремонт ишлари уйда яшовчилар томонидан камида уч йилда бир маротаба бажарилиб борилиши лозим. Капитал ремонт ишлари эса уйнинг конструкциясига қараб, уй-жой ташкилотларига ажратилган маблағ ҳисобидан 10—15 йил ичида бир маротаба бажарилади. Подъездлар камида уч йил ичида бир маротаба уй-жойлардан фойдаланиш участкаси томонидан ремонт қилинади.

Справка шаҳар уй-жой бошқармасидан олинди. Пролетар кўчаси, 6-уй, телефони 33-78-32.

●

А. ХОЛМУҲАМЕДОВ: 380 метрли Тошкент телеминораси қурилиши тугади. Ҳадемай, ҳамшаҳарларимиз яна қўшимча иккита каналдаги эшиттиришни кўришади. Телевизоримизнинг ана шу янги каналларда яхши кўрсатиши учун унинг антеннасини қаерда созлаш лозим?

ЖАВОБ: Ҳозир Тошкент телеминорасида кўпдан-кўп мураккаб радиотехника аппаратлари монтаж қилиб бўлинди. Ҳар куни эрталаб учинчи каналда соат 7.30 дан 8.30 гача, соат 13.15 дан 14.30 гача, ўн биринчи каналда эса соат 7.30 дан 11.00 гача, 13.00 дан 17.30 гача жадвал орқали созлаш ишлари олиб борилмоқда.

Справка шаҳар «зангори экран» ателъесидан олинди. Пионер кўчаси, 27-уй, телефони 77-22-84.

●

А. САИДОРИПОВ: Мен 1976 йили Чимкентдан Тошкент шаҳрига икки хонали уйни алмаштирдим. Мендан олдин шу квартирада яшаган шахс барча квартирантлар қатори телефон ўтказиш учун навбатда турган. Қўшнларим телефон олишаётганда бошқармага бориб учрашсам рад этишди. Телефон олиш учун менинг ўзим ариза беришим керак эмиш. Шу тўғримй?

ЖАВОБ: Жуда тўғри айтишибди. Телефонга навбатда турган собиқ уй эгаси учун сизга хизмат кўрсатишмагани қонуний. Сиз кўчиб келган захотингиз навбатни расмийлаштириб қўйишингиз керак эди.

Справка шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг абонент бўлимидан олинди. Тарас Шевченко кўчаси, 17-уй, телефони 39-07-07.

●

А. ВАЛИЕВ, Р. ЕГОРОВ: Балконларга ҳар хил керакмас буюмларни чиқариб қўйиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Бу фақат уйнинг ташқарм томонидаги балконлари бор шахсларга таалуқлими ёки ҳовли тарафдаги балконлари бор кишиларгами?

ЖАВОБ: Балконлари қайси тарафдалигидан қатъий назар бу қонун ҳаммага тааллуқлидир. Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг қарорига биноан «Балконларга кирларни, кийим-кечакларни, гиламларни, ҳар хил уй-рўзғор анжомларини осиб қўйиш, паррандаларни боқиш (шунингдек товуқ, каптар, асалари), уннинг кўринишини ўзгартириш (панжара, ром ўрнатиш) ва балконларни бошқа ранга бўяш ман этилади».

Справка шаҳар уй-жой бошқармасидан олинди. Пролетар кўчаси, 6-уй, телефони 33-82-01.

Тошкент милициясининг оддий иш кунлари

ЎҒИРЛИК ИЗИДАН

Улар ўзларининг оғир, жиддий, ниҳоятда мушкул ишларини яхши кўрадилар. Ишлари куч-ғайратни аямасликни талаб этса, баъзан жуда толиқтирса ҳам севимлидир. Улар — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг етакчи хизмати — жиноят қидирув бўлимларидан бирининг бир гуруҳ ходимларидир. Уларнинг ҳаммаси ёш, яхши маълумот олишган. Анатолий Козлов, Александр Белоусов, Неъмат Қурбонов, Сергей Тарасенко, Маҳмуд Бекмурзин, Моисей Поляков, Пўлат Элмуродов, Вячеслав Виноградов бошқа ҳаммалари ҳам актив ҳаётий позицияга, бурчларини чуқур англаш ҳиссига эгадирлар. Уларнинг фикр-ўйлари, партиямиз талаб этаётгандек, жамият манфаатларини, граждапларнинг обрўси ва шаънини, мулкларини жиноятчилардан ишончли тарзда муҳофаза этишга қаратилгандир.

Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ: Тошкентда ҳали квартираларни ўғирлаш, автомобилларни олиб қочиш, баъзи бошқа жиноятларга барҳам берилгани йўқ. Гоҳида биз айрим милиция ходимлари етарли даражада чаққон бўлмасликлари, баъзан эса уларнинг касб маҳорати пастлиги ҳолларига дуч келамиз. Шаҳар партия ташкилоти, шаҳар Совети ижроия комитети томонидан республика пойтахтида мустаҳкам ҳуқуқий тартиб ўрнатиш учун қатъий, таъсирчан чоралар қўрилмоқда. Бизнинг ҳикоямиз эса оператив қидирув ишининг усталари ҳақида. Улар жиноятнинг олдини олишлари, жиноятчиларни аниқлашлари, айбдорлар муқаррар равишда жазоланишини таъминлашлари керак. Зеро, бу жиноят қидирув ходимлари ҳал қиладиган вазифадир. Совет милициясига бағишланган қўшиқда худди улар ҳақида «Ҳамиша олдинда бўлиш — энг биринчи анъаналари» деб куйланади.

1. УЧ ҚИЗЧА ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Халқ судьясининг овози паст бўлса ҳам суд мажлисига келганларнинг ҳаммаси уни яхши эшитди:

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси номидан... ҳукм қилинади: айбдор деб топилсин ва ҳар бири қуйидагича муддатга озодликдан маҳрум этилсин.... Устьянцева.... олти йилга, Сабирзянова... тўрт йилга... Қўқонов... тўрт йилга.

Майор Анатолий Козлов судьяга эмас, анави уч қизчага, уч лақма, мактаб ўқувчисига боқади: улар ҳам Устьянцева, Сабирзянова, Қўқоновлар билан айбланувчилар курсисида ёнма-ён ўтиришлари мумкин эди. Лекин у ёқда ўтиришгани йўқ. Бу шунинг учунки, дунёда Анатолий Козлов, Александр Белоусов ҳамда уларнинг Жуковский кўчаси, 87-уйда жойлашган иш жойларидаги ўртоқлари каби йигитлар бор. Улар фақат жиноятни очиб қолмасдан унинг олдини олишни ҳам ўзларининг асосий вазифалари деб биладилар. Худди шундай: олдини олиш!

...Капитан Белоусов чуқур уҳ тортди:

— Ахир Анатолий Степанович, менинг қўлимда ҳозир тўртта жиноий иш бўлса...

— Саша, агар сен қўлингдагидан камроқ иши бўлган бирорта ходимнинг номини айтсанг, бу янги ишни мен бошқа одамга топширишга тайёрман...

Белоусов индамайди. Ахир бўлимнинг ҳар бир ходими қўлида ҳақиқатан ҳам бир неча мураккаб иш бўлганидан кейин нима ҳам дердинг! Бу уч қизча иши билан шуғулланишга тўғри келади, албатта. Нима ҳам қилардинг.

— Сен, Саша, фақат шуни ҳисобга ол, — дейди Козлов. — Бу ерда энг муҳими — қизчалар...

Ярталаб бўлим бошлиғининг ўринбосари майор Козловга махсус маълумот келтиришди. У ҳар куни майорнинг столига қўйиладиган маълумотлардан бири эди. Козлов уни диққат билан ўқиб чиқди. Светлана Устьянцева исмли, 1962 йилда туғилган, Қўйлиқ массивида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса жуда бадавлат яшар экан. Суд 1982 йил май ойида уни ўғирлик қилганлиги учун икки йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарган. Лекин ўша йилнинг декабрида уйи амнистия бўйича озод қилинган. Бироқ, бу сабоқдан у хулоса чиқармаганга ўхшайди: квартирада ичкиликбозликлар уюштирилади, уй соҳибаси ахлоқсиз турмуш кечиради. Одатда бундай ишлар чора кўриш учун район ички ишлар бўлимларига юборилади. Лекин коммунист Козловни маълумотдаги бир жумла: Устьянцева квартирасида мактаб ўқувчиларидан Ирина Ф. Анжелла К. ва Ирина С. бўлиб туришлари тўғрисидаги жумла ташвишлантириб қўйди.

Майор Козлов Устьянцева сингариларнинг дунёсини бош қўлидек билади, шунинг учун у ўша уч мактаб ўқувчисига туғилаётган хавфни сезди. Козлов Устьянцева қизчаларни ўз жинояткорона тўдасига тортишга йўл қўя олмасди, йўл қўйишга ҳаққи йўқ эди. Икки Ирина ва Анжеллага Устьянцеванинг ҳақиқий башарасини кўрсатиш, ундаги сахий хушмуомала уй соҳибаси ниқобини йиртиб ташлаш керак эди. Бу ишни бажаришни Козлов бўлимнинг энг яхши ходимларидан бири капитан Белоусовга топширди. Бўлимнинг барча ходимлари каби Александр Белоусов ҳар бир ишда, айниқса, жиноят қидирувда кўплаб маълумотлар кераклигини яхши биларди. Бу маълумотлар аниқ бўлиши керак, албатта. Устьянцева ва унинг атрофидагилар тўғрисидаги маълумотлар тўла бўлиши учун Белоусов уларни тўпланшни Ленин район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмасининг ходимларига топширди. Аввал бошда юпқагина бўлган папка тез орада қалинлаша бошлади. Светлана Устьянцева ва у билан алоқада бўлганлар қиёфаси тобора яққолроқ намоён бўла бошлади.

Оператив ходимлар диққатэътиборини Устьянцеванинг дугоналаридан бири — Ҳолида Сабирзянова тортди. Бу 19 ёшли аёл Устьянцева сингари ҳеч қаерда ишламас, текинхўрлик билан кун кечирарди. Устьянцева ва Сабирзянова меҳнат қилиб топилмаган даромад ҳисобига яшаётганлари тахмин қилинарди. Мактабда ўқийдиган уч қизча тўғрисида ҳам маълумотлар пайдо бўлди. Афтидан уларни Устьянцева квартирасига уй бекасининг қувноқ, эркин турмуш тарзи тортарди. Қизчалар бу ерда бўлишганда фақат ичкиликлар ва газаклар қўйилган дастурхонни, чет эл музикасини, жуда ҳам эркин муносабатларни кўришарди. Бунинг орқасида нима турганлигини уч қизча билмасди, албатта.

Майор Козлов қанчалик банд бўлмасин Устьянцева иши билан қизиқиб қўйиш учун вақт топарди.

— Сен, Саша, бу ишни чўзма, — дерди у, — қизчаларни ёдингда тут.

Белоусов уларни ёдида тутарди, албатта. Бошқа ишлар билан жуда банд бўлса ҳам ёдида тутарди. Унга келаётган маълумотларга кўра Устьянцева тўдасида Рустам Қўқонов деган кимса пайдо бўлибди. Светлана Устьянцева ва Сабирзянованинг 25 яшар дўстлари улар олдида тасодифан пайдо бўлиб қолмаганди. Гап шундаки, оператив ходимларнинг аниқлашларига кўра, Қўқонов Қўйлиқда ўзига жазман топиб олган ва уникида ўрнашган.

Рустамнинг жазмани ёнида К. исмли гражданка яшарди. У отпускага жўнаб кетибди. Қўқоновда бўш қолган квартирани ўмариш фикри туғилди. Лекин буни ўзи қилишга қўрқди ва жазманларига шерик бўлишни таклиф этди. У квартирани мен очиб бераман, сизлар —Устьянцева билан Сабирзянова қолган ишни уддалайсизлар, — деди. Улар бу ишни амалга оширишди.

Табиийки, жиноятчиларни ушлашди. Чунки уларнинг ҳар бир қўяётган қадами жиноят қидирув бўлими ходимларига маълум эди.

Уч қизчанинг тақдири нима бўлди? Ахир Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирувининг бўлими ходимлари худди ўшаларни ўйлаб Устьянцева иши билан шуғулланишган эди.

— Бу соҳада ҳамма нарса равшан,— дейди табассум билан Козлов.— Қизчалар жуда жиддий бўлса ҳам лекин фойдали сабоқ олдилар. Суд мажлиси давомида Светлана Устьянцева улар олдида бутун жирканч қиёфаси билан намоён бўлди. Умид қиламанки, иккита Ирина ва Анжелла Устьянцеванинг турмуш кечириши енгил бўлса ҳам ифлос эканлигини тушундилар, маънавий қимматлар тўғрисида жиддий ўйлаб кўрадилар. Биз милиция ходимлари эса социалистик ахлоқимизга зид бўлган ҳар қандай кўринишларга қарши курашишимиз керак. Буни куч ва имкониятларимиз даражасида бажариб бормоқдамиз...

Бўлим коллективи кўпгина жиноятларни очган. Улардан фақат айримлари билан таништирамиз эканмиз, кўп ҳолларда жиноят қидирув ходимларига ўта чигаллашиб кетган жиноят ипларининг учини топиш учун, уни содир қилганларни қидириб топиш учун қанчадан-қанча куч-ғайрат сарфлашларига тўғри келганлигини тасаввур этамиз.

Суҳбатлардан бирида Анатолий Козлов шундай деди:

— Биз жиноятчиларга шафқатсизмиз. Биз ўғрилик қилган, бошқа жиноятга қўл урган шахсларни ушлаш учун ҳеч вақт куч-ғайратимизни аямаймиз. Лекин биз кишилар милиция ходимида биринчи навбатда ўз ёрдамчиси, ҳимоячиси, ишончли таянчини кўриши кераклигини ҳам ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз...

Балки шунинг учун биз Козловдан бўлимнинг кўпдан-кўп ишларидан бирини ҳикоя қилиб беришни илтимос қилганимизда у энг аввало ўша уч қизчани ёдга олгандир.

Майор яна бир воқеани гапириб берди. У бир неча йил аввал, Анатолий Козлов ҳали фақатгина жиноят қидирув бўлимининг балоғатга етмаганлар иши бўйича инспектори бўлиб ишлаганда содир бўлган эди. Ўша пайтда у характерлари айрим катта ёшдагиларни ҳамиша ҳам қаноатлантирмайдиган ўспиринлар тарафини олди. Бу воқеани биз ҳам ҳикоя қилиб берамиз...

Тошкентликлар бир вақтлар шаҳарда гўё ўсмирлар таксофонларни бузаётганликлари, телефон трубкаларини қирқиб олаётганликлари тўғрисида юрган гап-сўзларни яхши биладилар. Алоқачилар бор овозлари билан ўсмирларни ҳам, гўё телефон безорилари танобини тортиб қўя олмаётган шаҳар „милициясини ҳам сўкишарди... Ана ўшанда Ички ишлар бошқармаси раҳбарлари зудлик билан таксофон воқеаларини ўрганиб чиқишни, айбдорларни топишни, алоқачилар келгусида шикоят қилмасликлари учун ҳамма таъсирчан чораларни кўришни топширдилар. Бу вазифа бўлимнинг ўша пайтдаги бошлиғи Рашид Халиуловичи Ярафов ва ёш инспекторлар Анатолий Козлов билан Ҳалолиддин Олимхўжаевлар зиммасига тушди.

Дастлаб қараганда жуда жўнгина туюлган бу иш у қадар енгил кўчмади. Оператив группа қўлидаги фактлар кўпая борган сари шунча кўп саволлар пайдо бўларди. Уларнинг ҳаммасига аниқ ва равшан жавоб топиш керак эди. Жуда синчиклаб иш бошлашди. Бу иш давомида таксофонни ўсмирлар радиоҳаваскорларга керак бўладиган деталлар учун бузаётганликлари тўғрисидаги тахмин рад этилди. Энг аввало, радиоҳаваскорларга зарур ҳамда таксофонлар трубкаларида мавжуд бўлган деталлар магазинларда тўлиб ётганлиги ва улар жуда арзон туриши аниқланди. Одатдаги техник носозлик туфайли ишламаётган кўпгина таксофонларни алоқачилар гўё бузилган, деб ҳам кўрсатишарди. Омбордаги аҳволни текшириш телефон трубкалари ва бошқа деталларни бериш жуда чалкаштириб юборилганлигини кўрсатди. Оператив группа ходимлари бузилган ва икки тийинлик тангалари ўмариб олинган таксофонлар гўё бу ишни ўсмирлар қилгандек синдирилганлигини ҳам аниқладилар. Хуллас, Р. Яфаров группаси нима билан шуғулланмасин улар ҳамма жойда бу айбларнинг барчасига ўсмирлар сабабчи, деган фикрга тўғри келардилар. Бироқ, бу ҳақиқатда ҳам ўсмирлар айбдорми деган савол ҳам туғдирарди.

Ана ўша пайтда ажойиб равишда амалга оширилган ғоя туғилди. Унинг натижалари ҳамма нарсани ўз жойига қўйди. Ўсмирлар эмас, анча катта ёшдаги алоқачилар қатор йиллар давомида таксофонлардан икки тийинлик тангаларни ўғирлашган. Бу катта ёшдаги кишилар ўзларига шубҳа туғдирмаслик учун ҳамма нарсани ўсмирлар қилгандек кўрсатишга уринишган.

Таксофонлар тангаларни йиғишга жалб этилган айёр алоқачилар томонидан ўғирланар экан. Уларни магазинларда икки тийинлик тангаларни йирикроқ пулга алмаштираётган пайтда қўлга туширишди.

Таксофонлар воқеасига шундай хулоса ясалди. Албатта, уларнинг бир қисмини, лекин жуда кам қисмини безорилар бузишган эди. Бироқ жиноятчилар ана шундай мисоллар ёрдамида кўтарилган сунъий шов-шувдан фойдаланиб, буни янада авж олдириб, бир ярим йилнинг ўзида салкам 80 минг сўм пулни ўмаришга улгуришган.

Уларнинг ҳаммасини фош этишди, албатта, суд қилишди ва ҳар бири қилмишига яраша жазосини олди.

Ал. КАРАСИК.
Мих. ПРУГЕР.

(Давоми бор).

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

18 СЕНТЯБРЬ, 1984 й.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЭЛЕКТРОНИКА УФО-01-250Н» — УЛЬТРА БИНАФША РАНГЛИ НУРЛАНТИРГИЧ КУЗ-ҚИШ ФАСЛИДА УЙ ШАРОИТИДА УЛЬТРАБИНАФША НУРЛАРИНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ИШЛАТИЛАДИ.



У тери касалликларини даволаш-профилактика мақсадида қўл келади.

«Электроника УФО-01-250Н» ультра бинафша нурлантиргич катта ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларни нурлантириш учун фойдаланиш тавсия этилади.

Аппарат ўзгарувчан ток тармоғидан қувват олиб ишлайди.

Баҳоси — 45 сўм.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй (2, 3, 4, 13, 25, 27-трамвайларнинг «Куйбишев райисполкоми» бекати).

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ (телефон 33-68-60).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

«Турист»

ЗАМОНАВИЙ КОМФОРТАБЕЛЛИ ТЕПЛОХОДЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТИХИЙ ДОН» ТЕПЛОХОДИДА — Ростов—Дон-Москва-Волгоград-Ростов—Дон маршрути бўйича 9 октябрдан 31 октябргача.

Путёвка баҳоси — 345—455 сўм.

«ЖУКОВ» ТЕПЛОХОДИДА — Волгоград-Астрахань-Москва-Волгоград маршрути бўйича 29 сентябрдан 22 октябргача.

Путёвка баҳоси — 465—525 сўм.

«НОВИКОВ-ПРИБОЙ» ТЕПЛОХОДИДА — Ростов—Дон-Москва-Волгоград-Ростов—Дон маршрути бўйича 6 октябрдан 25 октябргача.

Путёвка баҳоси — 455—555 сўм.

«КОНСТАНТИН ФЕДИН» ТЕПЛОХОДИДА — Саратов-Москва-Астрахань-Саратов маршрути бўйича 28 сентябрдан 19 октябргача.

Путёвка баҳоси — 385-455 сўм.

ПУТЁВКА БАҲОСИГА САМОЛЁТДА БОРИШ-КЕЛИШ ҲАҚЛАРИ ҲАМ КИРИТИЛГАН.

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1984-85 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

ЎҚИШ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИХТИСОСЛИКЛАР: ўзбек тили ва адабиёти; математика; математика ва физика; умумтехника таълими ва меҳнат; умумтехника таълими, меҳнат ва физика; чизмачилик ва расм; педагогика ва психология (мактабгача тарбия); педагогика ва бошланғич таълим методикаси;

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИХТИСОСЛИКЛАР: рус тили ва адабиёти; миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; педагогика ва психология (мактабгача тарбия); дефектология; сурдопедагогика; педагогика ва бошланғич таълим методикаси; педагогика ва тарбиявий ишлар методикаси.

Кундузги тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлган, 34 ёшдан катта бўлмаган илғор ишчилар, колхозчилар, мактабларнинг катта пионер вожатийлари ва СССР Қуролли Кучлари сафидан демобилизация қилинганлар қабул қилинади. Тайёрлов бўлимига кириш учун саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа, геология-қидирув, топография-геодезия ташкилотларининг, колхоз ва совхозларнинг, мактабларнинг ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг махсус йўлланмаси бўлиши шарт.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар тегишли корхоналарда камида 1 йиллик, катта пионер вожатийлар эса 2 йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлишлари керак (шогирдлик стажи тайёрлов бўлимига киришда ҳисобга олинмайди).

Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти ихтисослигига қишлоқ мактабларини шу йили тамомлаган йигит-қизлар мактаб педагогика советларининг тавсиясига биноан халқ маорифи органлари йўлланмаси билан қабул қилинадилар.

Тингловчилар сафига қабул қилиш учун кирувчилар билан асосий ихтисос предметлар бўйича суҳбат ўтказилади.

Тингловчилар сафига қабул қилинганларга ойига 40 сўм ҳажмида стипендия берилади. Эҳтиёжига қараб тингловчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тайёрлов бўлимини тамомлаб, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза (махсус бланк тўлдирилади), иш жойидан тайёрлов бўлимига кириш учун махсус йўлланма, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан корхона (ташкилот) раҳбари ва жамоат ташкилотлари тасдиқлаган характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси (286-форма), фотосуратлар (6 дона, бош кийимсиз, 3х4 см. ҳажмда).

Паспорт, ҳарбий билет ва комсомол билетлари ҳужжатларни топшириш пайтида шахсан кўрсатилади.

НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ЎҚИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР АНГРЕН, САМАРҚАНД ВА СИРДАРЁ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИДА ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АНГРЕН ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА: миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; математика; умумтехника таълими ва меҳнат ихтисосликларига.

САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА: математика; педагогика ва психология; педагогика ва бошланғич таълим методикаси ихтисосликларига.

СИРДАРЁ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА: эса, миллий мактабларда рус тили ва адабиёти; математика; педагогика ва бошланғич таълим методикаси ихтисосликларига ҳужжат қабул қилинади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, шунингдек ВЛАДИМИР педагогика институтининг тайёрлов бўлимига «Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти» ихтисослиги бўйича кириб ўқиш учун ҳам ҳужжатлар қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар билан суҳбат— 11-25 ноябрда ўтказилади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ДАРСЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Институт адреси: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй, тайёрлов бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноат министрлигининг ТОШКЕНТ НОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ 247-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ **новвой, хамир тайёрловчи, машиналар билан ишловчи новвой ихтисосликлари бўйича**

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизларни қабул қилади.

Ўқиш муддати 6—10 ой.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Бу группалардаги ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юртини битирганлар техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхонада мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Аризалар соат 9.00 дан 16.30 гача қабул қилинади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт.

Филиал адреси: Тошкент шаҳри, Байнал—Минал кўчаси, 16-уй, кадрлар бўлими. Телефон 44-27-46.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 68, 81, 106, 171, 183-автобуслар; 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

СССР БЎЙЛАБ ГАСТРОЛЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

КОБУЛ ШАҲРИДАГИ АФҒОН ДРАМА ТЕАТРИНИНГ СПЕКТАКЛЛАРИ

(Афғонистон Демократик республикаси)

21, 22 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

Асадулла Ҳабиб

«ТУН ВА ҚАМЧИН»

Постановкачи — профессор А. К. БЕСЕТ.

23 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

БИР АКТЛИ СПЕКТАКЛЛАР

«ОНА ҲАҚИДА АФСОНА»

М. Горькийнинг «ИТАЛИЯ ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР» асари бўйича.

Сценировка муаллифи — доктор Муҳаммад Наим ФАРҲОН.

Постановкачи — Ҳамид ЖАЛИЯ.

Бертольт Брехт.

«ҚОНУН-ҚОИДА ВА БУНДАН МУСТАСНОЛАР»

Постановкачи — Ҳамид ЖАЛИЯ.

Театр директори ва бош режиссёри—Ҳамид ЖАЛИЯ.

Томоша зали раднолаштирилган, текст рус тилида эшиттирилади.

Билетлар театр кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотилади.

СОТУВЧИЛИК КАСБИ— КЕРАКЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ

«ТАШКУЛЬТТОРГ»нинг

10-МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

6 ОЙДА БУНДАЙ ҚАСБНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН

Ҳозирги даврнинг сотувчиси — бу саводли, ҳар томонлама ривожланган, маълумотли инсон. Унинг мулойим сўзи, харидорга чиройли хизмат кўрсата билиш маҳорати кишиларнинг кайфиятини кўтариб юборади.

Сотувчи кўпгина юмушларнинг уддасидан чиқа билмоғи керак: сотиб олинган молни тез ва чиройли ўраб бериш, харидорни янги моллар билан қизиқтириш, унинг афзалликлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш. Бундан ташқари харидорнинг руҳий ҳолатини тушунмоғи, савдонинг этика ва эстетикасини билмоғи, муомала қила билиш маҳоратини эгаллаган бўлмоғи керак.

СИЗНИ «ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ 10-МАКТАБ-МАГАЗИНИДА ХУДДИ АНА ШУ ФАЗИЛАТЛАРГА ЎРГАТИШАДИ.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ДОИМИЙ ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Битирувчилар ўқишни тугатганларидан кейин уларга маданий моллар кичик сотувчиси ихтисослиги берилади.

Маълумотлар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (2, 3, 18, 54, 50, 80-автобуслар; 4, 9, 7, 11, 24-трамвайлар; 2, 6, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Муқимий кўчаси» бекати).

МАКТАБ-МАГАЗИН телефонлари: 53-47-24, 53-47-25.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» кадрлар бўлими телефони 91-30-10.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

ҚЎҚОННИНГ ЖОЗИБАЛИ ПОЙАФЗАЛИ

ҚЎҚОН ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ЖОЗИБАЛИ ВА ЯХШИ КИЙИЛАДИ.

Эластик чарм, велюр, «олтин суви» югуртирилган безакли, таглиги полиуретанли янги модадаги хотин-қизлар оёқ кийимлари ҳар қандай ёшдаги аёл кишига манзур бўлади.

Баҳоси — 38 сўм 40 тийин.

Бошлиғи чиройли безакланган, ингичка пошнали туфлилар ўзининг нафислиги ва башанглиги билан қиз болаларга манзур бўлади.

Баҳоси — 6 сўм 95 тийин.

Таглиги ғовак резинали ранг-баранг тусдаги хромдан ишланган полуботинкалар ўғил болалар учун атаб чиқарилмоқда.

Баҳоси — 8 сўм 10 тийин, 13 сўм 80 тийин.

ПОЙАФЗАЛНИ ҚАНДАЙ ТАНЛАМОҚ КЕРАК? БИЗНИНГ МАСЛАҲАТИМИЗДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Пойафзал сотиб олаётганингизда туфлининг иккала жуфтини албатта оёққа кийиб кўринг. Бундай пайтда албатта ўриндан туриш, иложи бўлса бир неча қадам ташлаб кўрилса янада яхши бўлади.

Сиз туфли сотиб олдингиз-у, кейинчалик у оёғингизни сиқадиган бўлиб қолди дейлик. Бунинг учун ташвишланманг: туфлининг ичидаги чармига одеколонни яхшилаб пурканг ва кийиб юринг, у оёғингизга жуда ҳам лойиқ келади.

Туфлиларни қолипланган ҳолда сақламоқ яхши усул. Агарда қолип бўлмаса ботинкани бир учига эзгиланган газета қоғозини тўлдириб тиқиб қўйиш керак. Пойафзал узоқ вақт сақланадиган бўлса, аввал яхшилаб тозалаш ва крем билан қуюқ бўяб қўйиш лозим.

УЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24 (25).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Майсаранинг иши**, 19/IX да **Тўмарис**, 20/IX да **Пётр Биринчи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/IX да **Келинлар қўзғолони**, 19/IX да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/IX да **Занжир**, 20/IX да **Заҳар ичган даъвогар.**

кино

18 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (16.30, 19.15, телефон 44-21-74).

«НОЁБ ХИСЛАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ФАНТОЦИЙ БАРЧАГА ҚАРШИ» — **Қозоғистон** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»— **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

19 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МИНГ МИЛЛИАРД ДОЛЛАР» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16.30, 19.15, телефон 44-21-74).

«НОЁБ ХИСЛАТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ФАНТОЦИЙ БАРЧАГА ҚАРШИ» — **Қозоғистон** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«АЙЛАШ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ОХИРГИ ЎҚ» — **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

САВДО БОШҚАРМАСИНИНГ НАРИМОНОВ ГОРТОРГИГА

бош бухгалтер ўринбосари, чакана савдодаги товарларни ҳисобга олиш сектори бошлиғи, бухгалтерлар, магазин мудирлари, сотувчилар, дўкончилар, магазин ишчилари, экспедиторлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи—штатлар рўйхатига асосан тўланади.

Адрес: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Экскаваторная кўчаси, 5-«а» уй (5-трамвайнинг «Қўйлиқ»; 106, 171, 183-автобусларнинг «9-автобаза» бекатлари). Телефон 90-35-93.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

28, 27, 28, 29, 30 сентябрь соат 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН

«ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФАРРУХ ЗОКИРОВ.

16 ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАР КЕЧКИ КОНЦЕРТЛАРГА ҚЎЙИЛМАЙДИЛАР.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида соат 15.00 дан бошлаб сотилади.

сешанба

18 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

17.45 «Закарпатье жилолари». Ужгороддан олиб кўрсатилади.

18.15 «Поэзия». В. Боков. Туғилган куннинг 70 йиллигига.

18.45 «Интенсификация-90». Ленинград партия ташкилотларининг илмий-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини комплекс ошириш бўйича иши ҳақида.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 Мультфильмлар.

20.00 «Сиз яратган боғ».

20.30 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради.

21.30 «Время».

22.05 «Мангу даъват». Ун тўққиз серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия — «Инсонлар тақдири».

23.25 «Дунё воқеалари».

23.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.

18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.45 Киев фортепьяно триоси чалади.

21.30 «Время».

22.05 СССР халқ артисти К. Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон давлат эстрада оркестри чалади.

23.30 «Краснотурьинск». Телефильм.

● УзТВ I

18.30 Мактаб ўқувчилари учун киноконцерт.

19.30 «Ахборот» (рус.).

19.50 «Ижод саҳифалари». Б. Пармузин. Туғилган кунининг 60 йиллигига.

20.30 «Ахборот».

20.55 Янгийўл районидаги «Орзу» ҳаваскорлик ансамблининг концерти.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Хирмонингизга барака».

22.20 «Наташахоним». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.

18.10 Ҳужжатли фильм.

18.20 «Мамлакатнинг суғориладиган зоналарида агротехник кўрсаткичларни, қишлоқ хўжалик машиналари техник ҳолати ва сифатини яхшилаш» Бутуниттифоқ илмий-техника конференцияси.

18.50 «Зор-интизор». Бадиий фильм.

20.00 Тошкент янгиликлари.

20.20 Ўқув программаси (рус.).

21.00 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Сув полоси. «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан ёзиб олинган репортаж.

21.30 МТ II

чоршанба

19 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».

9.40 Мультфильм.

9.50 «Саёҳатчилар клуби».

10.50 «Кундузги поезд». Телевизион бадиий фильм.

12.25 Н. Паганини. Скрипка ва гитара ижроси учун сонаталар.

12.40 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар.

15.20 «Беш йиллик—ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.

15.45 «Калинка» рус халқ чолғулари оркестри чалади.

16.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».

16.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

17.25 «Мақом» дурдоналаридан». Душанбадан олиб кўрсатилади.

18.00 «Абава». Телефильм.

18.10 «Балет ҳақида. Жаҳон хореографияси нодир асарлари тарихидан. А. Аданнинг «Жизель» балети.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 Спорт программаси.

21.30 «Время».

22.00 Спорт программаси. Танаффус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

9.15—9.35 «Ермаков оққушлари». Илмий-оммабоп фильм.

12.05 «Сиз яратган боғ».

12.35—13.05 «Мардлик сабоғи». Кўрсатувда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти Л. В. Жолудев иштирок этади.

16.30 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар.

18.45 «Биз БАМни қуряпмиз».

19.20 «Бородино». Илмий-оммабоп фильм.

19.30 Қишлоқ янгиликлари.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.45 В. В. Андреев номли рус халқ оркестри солистларининг ансамбли чалади.

21.10 Алкоголизм зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.

21.30 «Время».

22.00 «Бўғоз узра учаётган қуш». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР).

23.05 «Плай» вокал-чолғу ансамбли чалади.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».

10.20 Болалар учун фильм. «Шундай ёқимтой бўрилар» (рус.).

11.30 Ўқув программаси.

12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.

12.30 Янгиликлар.

17.45 Кўрсатувлар программаси.

17.50 Мактаб ўқувчиларининг XVII Бутуниттифоқ спартакиадаси. Енгил атлетика. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж.

18.40 «Давр, фазо, одим». Илмий-оммабоп фильм.

19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик» клуби».

19.30 «Ахборот» (рус.).

19.45 «Бизнинг иқтисодий шарҳ». Кўрсатувни иқтисод фанлари доктори С. Салимов олиб боради.

20.30 «Ахборот».

20.50 ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар А. Шукуров ва Г. Жўраева концерти.

21.30 Москва. «Время».

22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

22.15 «Россиянинг оппоқ қорлари». Бадиий фильм.

23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.35 МТ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.

18.10 «Чемпион ҳақида ҳикоя». Телефильм.

18.30 «Хонадон ва унинг соҳиби». Бадиий фильм.

20.00 Тошкент янгиликлари.

20.20 Ўқув программаси.

21.00 «Эксперимент давом этмоқда» (рус.).

21.30 МТ II

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

18 СЕНТЯБРЬ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32_55_32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

Р—09467.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12